



ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ МУҚАРРАРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Хидиров Муҳаммаджон Бобошерович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратураси тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7912552>

ARTICLE INFO

Received: 30th April 2023

Accepted: 08th May 2023

Online: 09th May 2023

KEY WORDS

Ҳуқуқ, жиноят, жавобгарлик, жазо, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, адолат.

ABSTRACT

Мақолада жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тушунчаси, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи атрофлича ёритиб берилади, шунингдек, жавобгарликнинг муқаррарлигига оид миллий-ҳуқуқий тажриба, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилади.

Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат қуришимиз мумкин.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасида ислохотларни амалга ошириш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли жамият қуриш йўлида қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Зеро, қонун устуворлигисиз чинакам маънода адолатли, ривожланган давлат қуриш мумкин эмаслигини дунё тажрибасидан англаш мушкул эмас.

Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”** номли асарида келтириб ўтилган қуйидаги сўзларини ёдга олишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Асарда шундай дейилади: *““Адолат – қонун устуворлигида”* деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз. ...Буларнинг барчаси, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга,



халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади”¹.

Авваламбор, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тушунчаси мазмунини ёритиб беришга тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси (*кейинги ўринларда ЖК*) 14-моддасида жиноят тушунчасига таъриф берилди. Унга мувофиқ, ЖК билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (**ҳаракат** ёки **ҳаракатсизлик**) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади². Шунингдек, жиноят ҳуқуқига оид дарсликларда берилган таърифга кўра, жиноят қонуни билан тақиқланган ҳаракат ёки бажарилиши шарт бўлган ҳаракатни бажармасликда ифодаланадиган ҳаракатсизлик, яъни ҳуқуққа хилоф қилмиш жиноят ҳисобланади. Ушбу шартнинг формалиги қонунда жинойий-ҳуқуқий тақиқнинг ўрнатилиши ва “*nullum crimen nulla poena sine lege*” – қонунда кўрсатилмаган бўлса жиноят ҳам, жазо ҳам йўқ принципини қамраб олади³. Демак, Ўзбекистон Республикасида ҳам айрим хорижий давлатлар, хусусан Англия, Ҳиндистон, АҚШ ва бошқалар мамлакатлардаги сингари жиноят қонунини ўқшашлиги бўйича қўллашга йўл қўйилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи (ҳуқуқни қўлловчи) органлар томонидан қонунчиликда қайд қилинмаган ижтимоий хавфли қилмишлар аниқланиши мумкин, лекин улар жинойий жазога лойиқ деб топилмайди. Жинойий жавобгарликка ва жазога фақат жиноят қонунини назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни, яъни муайян жиноятнинг аломатларига эга бўлган, ЖК махсус қисминиинг у ёки бу моддасида белгиланган қилмишни содир этган шахс тортилади. Мухтасар қилиб айтганда, бирор-бир хулқ-атвори ҳуқуққа хилоф деб баҳолашда ҳуқуқ ёки қонун аналогиясининг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Фақатгина ЖКда белгиланган ҳамда у билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларгина жиноят ҳуқуқининг муҳофаза объекти ҳисобланади. Ушбу ижтимоий муносабатларга қаратилган тажовузлар жинойий-ҳуқуқий нормаларга қарши қаратилган бўлади ва қонун томонидан тақиқланади. Бундан келиб чиқадиган бўлса, ЖКда кўрсатилмаган қилмишни содир қилиш жиноят деб топилмайди.

Жиноят белгилари қилмишнинг жинойийлигини билдирувчи асосий мезон ҳисобланади. Жиноятга берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда жиноятнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин: *Ижтимоий хавфлилиқ, ҳуқуққа хилофлилиқ, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлик*.

ЖК 16-моддаси **жиноят учун жавобгарлик ва унинг асосларига** бағишланган бўлиб, мазкур моддада жиноят учун жавобгарлик - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати эканлиги, ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши қайд этилган.

¹ Мирзиёев Ш.М “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” асари. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –11-12-б.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. 14-модда

³ Якубов А.С, Кабулов Р ва муаллифлар жамоаси. Дарслик. Жиноят ҳуқуқи. – 2012. – Т 80-б.



Ўзбекистон Республикаси ЖКда бир қатор принциплар келтириб ўтилган бўлиб, улардан бири **жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpidир**. Кодекс 10-моддасига мувофиқ, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Ҳуқуқшунос олим, профессор **А.С.Якубовнинг** фикрича, жиноий-ҳуқуқий жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpi жиноят содир этган ҳар бир шахснинг мазкур жиноят учун жавобгар эканлигини ифодаладиган асосий қоидадир. Жавобгарлик чораси ЖКнинг одиллик ва бошқа принципларига асосан белгиланади. Мазкур принципнинг ЖКда белгиланишининг сабаби шундаки, у фуқароларга қаратилган бўлиб, моҳиятига кўра, жиноят содир этилган пайтдан бошлаб шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган жиноий-ҳуқуқий муносабатлардан бирини мустаҳкамлайди. Қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоида жиноят қонунчилигида келтириб ўтилган вазифаларни бажаришга қаратилгандир⁴.

Шунингдек, рус ҳуқуқшуноси, профессор **Д.А.Липинский** жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpiга қуйидагича таъриф беради: *“Муқаррарлик принциpi қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган асосий ғоя бўлиб, у ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар учун ҳуқуқий жавобгарликни мажбурий белгилаш, ҳуқуқий нормалар талабларига итоаткорона риоя қилиш, шунингдек, давлат ваколатли органларининг жиноятга ҳукм қилиш ва адолатли, инсонпарвар, қонуний чораларни қўллаш шаклидаги, ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар бўлмаган тақдирда қўлланиладиган юридик жавобгарликдир”⁵.*

А.В.Петрянин таъкидлайди: *“Бир қатор тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, жиноятчиларга қарши таъсир қиладиган, жиноятчиликнинг олдини олувчи энг кучли таъсир воситаси бу фуқароларнинг онгида жавобгарликнинг муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш ҳисобланади”⁶.*

Юқорида келтириб ўтилганидек, жиноят қонунчилигига асосан қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Вазиятга инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсан, жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpi ҳар доим ҳам шахсга жазо тайинланиши шартлигини билдирмайди. Содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш фавқулодда ҳодиса ҳисобланиб, шахсни жазоламасдан туриб жазонинг мақсадига эришиб бўлмайдиган ҳолатлардагина ушбу турдаги давлатнинг мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин. Шу жумладан, Ўзбекистон жиноят қонунчилигига мувофиқ, қилмишининг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни жавобгарликка тортиш, жазо тайинлашда уларни ҳисобга олиш лозим. Хусусан, ЖК 35-моддасига биноан, кам аҳамиятли қилмишлар, зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш, буйруқни ёки

⁴ Якубов А.С., Кабулов Р ва муаллифлар жамоаси. Дарслик. Жиноят ҳуқуқи. – 2012. – Т 23-б.

⁵ Липинский. Принцип неотвратимости юридической ответственности с позиции ее двухаспектного понимания. <file:///c:/users/user/downloads/printsip-neotvratimosti-yuridicheskoy-otvetstvennosti-s-pozitsii-ee-dvuhaspektного-ponimaniya.pdf>

⁶ Петрянин А. В., Ивенин В. О. Строгость наказания и неотвратимость ответственности как пути развития уголовной политики России // Вестник БелЮИ МВД России. – 2022. – № 2. – С. 12–18



бошқача тарздаги вазифани бажариш, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади⁷. Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш, оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш ва бошқа ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади⁸.

Ўз навбатида, ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарлик, жиноят жавобгарликсиз қолмаслиги учун тегишли чоралар кўриш, фуқароларда қонунга итоаткорлик руҳини шакллантириш, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш давлат олдида турган устувор вазифалардан саналади. Негаки, бунингсиз фуқароларнинг тотувлигини, жамият тараққиётини таъминлаш имконсиз. Сўнгги йиллардаги статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, содир этилган жиноятларнинг сони ортганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2021-йиллар ҳамда 2022 йил асосий кўрсаткичлари маълумотларига кўра, 2018-йилда Республика бўйича жами 38 133 минг иш кўрилган бўлса, бу кўрсаткич 2019-йилда 28 846 тани, 2020-йилда 30 282, 2021-йилда 47 657, 2022 йилда эса 58 697 тани ташкил этган, яъни дастлабки йилларга нисбатан сўнгги йилларда кўрилган жиноят ишлари сони сезиларли даражада ошганлигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, шахсларнинг судланганлик ҳолати динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, Республика бўйича жами судланган шахслар сони 2018-йилдан то 2022-йилга қадар 35 706 тадан 56 542 тага кўпайган⁹. Шу муносабат билан, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш давлат олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Илмий тадқиқотлар ва амалиёт шуни кўрсатадики, ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш ва уларни амалда қўллаш мамлакатда қонунийлик режими ҳақиқатан ҳам амал қилгандагина мумкин бўлади, унинг доирасида жавобгарликнинг муқаррарлиги амалга оширилади.

Жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини назар соладиган бўлсак, айрим жиноят турлари учун жиноятни содир этганликда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда турли ёндошувлар, ҳар хил жазо амалиёти мавжудлигини кўришимиз мумкин. Маълум бир жиноятни содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг тўлиқ жазо муддатини ўтамасдан туриб, ёки маълум бир қисминигина ўтаганидан сўнг озодликка чиқарилиши ҳолатлари фуқаролар, айниқса иш бўйича жабрланувчилар томонидан қонунга, судга нисбатан турли салбий фикрлар уйғонишига сабаб бўлади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш масалалари, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда, муқаддам оғир жазо ҳисобланган – озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тури

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. 35-модда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 55-модда.

⁹ <https://sud.uz/>



қўлланилган бўлсада, яна ўта оғир жиноятни содир этиш каби ҳолатлар учраб турибдики, ушбу ҳолатлар жазо тизимини айрим тоифадаги муқаддам судланган шахслар учун янада кучайтиришни тақозо этади.

Шахсларнинг муддатидан илгари шартли озод қилиниши ҳолатлари маълум бир вазиятларда янги жиноятларни содир этиш учун йўл очиб берапти. Фикримизни янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, жазо сиёсатидаги енгилликлар қуйидагича салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда:

Биринчидан, шахсларнинг етарлича қайта тарбияланмасдан эрта озодликка чиқарилаётганлиги бундай шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда, албатта, адолатга эришиб бўлмайди. Чунки содир этилган жиноят учун адолатли жазо тайинлаш одил судловнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Иккинчидан, судлар томонидан тайинланган жазо тўлиқ ўталмасдан туриб шахсларнинг озодликка чиқиши жамиятда фуқаролар онгида “жиноят содир қилгандан кейин бир неча йилда чиқиб келиш мумкин” деган тушунчани, яъни қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат илгари жиноят содир этмаган шахсларнинг жиноят содир этиши учун муайян маънода “мотивация” бўлмоқда. Шунини қайд этиш керакки, жавобгарликнинг муқаррарлиги ва жазоларнинг етарли даражада таъсирчанлиги шахсни тарбиялашга хизмат қилади.

Учинчидан, жиноят содир этган шахсларнинг жазонинг бир қисмини ўтаганидан кейин озодликка чиқарилиши ушбу жиноятдан жабр кўрган фуқаролар томонидан давлатнинг жазо сиёсатига, шунингдек, мутасадди органлар ва судга нисбатан эътирозлар юзага келишига ҳамда қонунларга ва адолатга нисбатан инсонларда ишонч йўқолишига сабаб бўлмоқда. Эндиликда ҳақли савол туғилади: мазкур ҳолатларга барҳам бериш учун нима қилиш лозим? Ривожланган хорижий мамлакатларда ушбу ҳолатга қуйидагича ёндашилади. Хусусан, аксарият Европа давлатларида жазодан шартли равишда озод қилишда маҳкум томонидан содир этилган жиноятларнинг оғирлик даражасидан қатъи назар, тайинланган жазо муддатининг маълум бир қисми ўталганидан сўнггина шахс шартли озод қилинади. Бундай муддат Германия ва Данияда жазо муддатининг учдан икки қисмини, Испанияда тўртдан уч қисмини ташкил этади. Таққослаш учун, Испанияда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган шахс жазонинг 7,5 йилини ўтаганидан кейин озодликка чиқарилиши мумкин. Ўзбекистонда эса бу муддат 5 йилни ташкил этади. Шунингдек, Аргентина ва Венгрия давлатларида рецидивистларга, Хитойда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумларга, АҚШ ва Литвада эса умрбод қамоқ жазоси тайинланган шахсларга нисбатан шартли озод қилиш қўлланилмайди.

Шу ўринда, 2023 йил 23 март куни **“Ўзбекистон республикасининг жиноят ҳамда жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги 825-сонли Ўзбекистон Республикасининг қонуни ўз вақтида қабул қилинган деб ҳисоблайман. Негаки, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва



қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиб, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказиш, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштириш ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этиш механизмлари қайта кўриб чиқилди¹⁰. Ўз навбатида айтиб ўтиш ўринлики, тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш учун қўйиладиган талабларни ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда, жазодан мақсад жиноят содир этган шахсни жазолаш орқали ундан ўч олиш эмас, балки уни ахлоқан тузатиш, содир этган қилмишининг оқибатларини тушунтириш, англаб етишига эришиш ва қайта тарбиялашга қаратилганлигини инобатга олиш лозим.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, содир этилган ҳар бир жиноят жазосиз қолмаслиги, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш давлат олдидаги устувор вазифалардан саналиб, бунингсиз шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиний тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдек жиноят қонунчилиги вазифаларига эришиб бўлмаслигини ҳуқуқ амалиёти кўрсатиб турибди. Шу муносабат билан жиноятчиликнинг олдини-олиш учун жазо муқаррарлигини тўлиқ таъминлаш асосий мезон эканлигини таъкидлаш асослидир.

References:

1. Мирзиёев Ш.М “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” асари. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –11-12-б.ЖК 14-модда
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. 01.04.1995й
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. 23.03.2023й. ЎРҚ-825-сон.
4. Якубов А.С, Кабулов Р ва муаллифлар жамоаси. Дарслик. Жиноят ҳуқуқи. – 2012. – Т
5. Липинский. Принцип неотвратимости юридической ответственности с позиции ее двухаспектного понимания. file:///c:/users/user/downloads/printsip-neotvratimosti-yuridicheskoy-otvetstvennosti-s-pozitsii-ee-dvuhaspektnogo-ponimaniya.pdf
6. Петрянин А. В., Ивенин В. О. Строгость наказания и неотвратимость ответственности как пути развития уголовной политики России // Вестник БелЮИ МВД России. – 2022. – № 2. – С. 12–18
7. Олий суд расмий сайти. <https://sud.uz/>
8. <https://lex.uz>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. 23.03.2023й. ЎРҚ-825-сон.